







Мусобақалар

МАЙДОНДА — АЗАМАТ ЙИГИТЛАР

Ўқувчи-ёшлар ўртасида спортнинг барча турлари бўйича қизиқарли мусобақалар, кўрик-танлов ва беллашувлар ўтказиб келинмоқда.



Республикаимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал билимини юқори савияга кўтариш, маънавий салоҳиятини ошириш билан бир қаторда, уларни жисмонан етук ва соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш асосий вазифалардан бири саналади.

Шайхонтохур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Камолот» ЁИХ туман бўлими раиси Рустам Масалиев. — Шу билан бирга соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларнинг соғлиқларини тиклаш, спортга қизиқиш уйғотишдан иборат.

ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

ни хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пўлатова йигит-қизларнинг баркамол шахс сифатида камол топиши учун яратилган шарт-шароитлар хусусида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, ишонч ва шароит ҳар бир инсонни олға қадам босишга ундайди.

ли ўсмирларнинг спортга бўлган қизиқиши янада ошади.

Мусобақада 15 та жамоа ҳоким кубоги учун ўзаро беллашди. Иштирокчилар 5 дақиқали мусикий чиқишлар орқали улар гимнастрада борасида ўзлаштирган кўникма ва маҳоратларини намойиш этди.

Мусобақа ғолибларига ташкилотчилар томонидан диплом ва совғалар топширилди. Олий ўринни эгаллаган жамоага ҳоким кубоги топширилди ва совриндорларга турнирнинг шаҳар босқичига йўлланмалар берилди.

И.ДИЛШОДОВ Козим Ўлмасов олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ТЎҒРИЛИК ВА ҲАҚҒҮЙЛИК ҲАКИДА

Эгри озади, тўғри ўзади.

Ўзи тўғрининг сўзи тўғри.

Ҳақ ишни халқ қўллар.

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди.

Ҳақиқат ўтда ҳам қуймас, сувда ҳам чўкмас.

Ҳақ сўз — аччиқ сўз.

Ҳақ сўз — ҳақ йўлни топар.

Ҳақ — ҳамиша ғолиб.

ТАДБИРЛИЛИК ВА ЭПЧИЛЛИК ҲАКИДА

Ақлли киши ҳам адашади.

Бехуда ҳаракат белни синдиради.

Болани ишга буюр, Кетидан ўзинг югур.

Болтани бежо урма, Тойиб оёғингга тегар.

Бўйингга қараб тўн бич!

Етти ўлчаб, бир кес.

Жаҳлни кечиктирган ютар, Ишни кечиктирган ютқизар.

Ишлай билмагanning иши юришмас

Пул топгунча, ақл топ!

Пухтанинг иши «беш», Шошманинг иши бўш.

Санамай саккиз дема!

Тўнни ёшига қараб бичма, Бўйиغا қараб бич!

Узоққа тузоқ қўйма!

Ухлаш олдидан ҳам эрталигингни ўйли

Чўлоқ бўлсанг ҳам, нўноқ бўлма!

Шошганда лаббай топилмас.

Шошганинг иши умнас.

Шошганинг иши ўнгидан келмас.

Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнғийди, ҳам думи била (Давоми бор)

Узгиромет Хабар қилади. Шарқдан секундида 7 метр тезликда шамол эди. Ҳарорат кечаси — 3, ража совуқ — 2 дара, илқ, кундузи — 0-5 да, жа илқ бўлиши кўчмаси.

Спорт

ЎЗБЕК КУРАШИ ЯНАДА ОММАЛАШМОҚДА

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий кадрларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасида ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида тобора ривожланмоқда.

2010 йил кураш мусобақаларига бой бўлди. Февраль ойида Грециянинг Салоники шаҳрида ва июль ойида Буюк Британиянинг Ситтингборн шаҳрида «Ислоҳ Каримов» анъанавий халқаро турнири, декабрь ойида Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида ёшлар ўртасида VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур мусобақаларда полвонларимиз 14 олтин, 8 кумуш, 9 бронза медални қўлга киритди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Кураш федерациясининг 2010 йилги спорт мавсуми якунларига бағишланган йиғилишида шулар хусусида сўз борди. Тадбирда 2010 йилги спорт мавсуми якунларига кўра қатор номинациялар бўйича ғолиблар тақдирланди. «Йилнинг энг яхши курашчиси» номига самарқандлик Сухроб Бердиев ва қашқадарёлик

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА муҳбири

Миллий санъат марказида ёш мўйқалам соҳиблари Рустам Бозоров ва Бахтиёр Ўроқовларнинг «Ранг-баранг ҳаёт» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Jfod» Ўзбекистон рассомлар, санъатшунос-лар ва халқ усталари уюшмаси томонидан ташкил этилган кўргазма стендларида ёш ижодкорларнинг рангтаъсир ва графика йўналишидаги 100 дан ортиқ бадиий асарлари намойиш этилди.

Ушбу асарларнинг кўпчилиги портретлардан иборат бўлиб, уларда инсоннинг ички олами, табиат манзаралари, болаликнинг беғубор дамлари, миллий анъана ва қадриятлар, умрбоқий урф-одатлар моҳирона ифодаланган.

Таъкидлаш жоизки, Рустам Бозоров рассомчилик, жумладан портрет яратиш соҳасида самарали иш олиб бормоқда. Унинг қаламига мансуб ҳар бир бадиий асар болалар ва катталар учун ҳам қимматли бўлиб, ижодий ишлар ранг-баранглиги, жозибадорлиги, бўёқларнинг ёрқин ва тиниқлиги билан ажралиб туради. Ижодкор 1995 йили Тошкент давлат Театр ва рас-

сомчилик институтининг ҳайкалтарошлик факультетини муваффақиятли тамомлаган. У 1993 йили «Киночилар уйи» ва 2007, 2010 йилларда «Илҳом» театрида шахсий кўргазмаларини намойиш этган. Ёш бўлишига қарама-масдан, рассомчилик ва графика соҳаларида маълум муваффақиятга эриш-майиш этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш йигит-қизларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини намойиш қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Рустам Бозоров ва Бахтиёр Ўроқовлар юртимизда навқирон авлод истиқболи учун яратилган барча

имкониятлардан оқилона фойдалана-япти. Уларнинг ижодий асарларида гўзал дийримишнинг мафтункор жой-лари, пойтахтимиз гўшалари, қадим қадамжолар ва осори-атиқалар ҳам тас-вирланган.

— Болалигимдан табиат манзаралари, бутун борлиқни ранг-тасвир асарлари кўринишида тасвирлашга жуда қизиқман, — дейди Бахтиёр Ўроқов. — Олий ўқув юртида устозим Неъмат Қўзибоев ёрдамида рас-сомчиликнинг ўзига хос сир-синоат-ларини ўргандим. Ҳамкасбим Рустам асарларида кўпроқ инсон образи етакчилик қилса, мен табиат манзаралари, тўқ ранглар билан иш-лов берилган ҳаётий мавзуларни тасвир-лашга ҳаракат қиламан. Она табиат гўзаллиги етакчилик қилса, мен табиат манзаралари, тўқ ранглар билан иш-лов берилган ҳаётий мавзуларни тасвир-лашга ҳаракат қиламан.

Кўргазмада ижодкорларнинг муста-қил фикрлаши, кўз илғамас талқинда-ги тасвирларни қаламга олиши ва фаройиб воқеа-ҳодисаларни чиза оли-ши барчага манзур бўлди.

«Туркистон-пресс»

ЁШ МУСАВВИРЛАР КЎРGAЗMASI

ган Рустамнинг ижод намуналарида ин-сон образи, унинг ички кечинмалари, табиат ва олам тасвирлари ёрқин акс эттирилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш йигит-қизларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини намойиш қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Рустам Бозоров ва Бахтиёр Ўроқовлар юртимизда навқирон авлод истиқболи учун яратилган барча

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4848 нусخа босилди. Қўғоғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ў

1 2 3 4

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ